

Ким саримсоқ пиёз еса уйида ўтирсин



18:00 / 27.06.2021 3314

نَمُ الْاَقَمَلَسَوِ عِلَعُ لَلِ اِلَصَّيْبَلَانَع ، عُنَعُ لَلِ اِيضَرَّرَبَّاجُ نَع
عَكَّيْلَمُ اِنِاف ، اِنِدِجَسَمُ نَبَرَقِي الْفَاثَارُكُلَاوَمُ وَاوَلَصَبَلَا لَكَا
الَصَّبُ وَا اَمُ وَا لَكَا نَمُ ؛ عِيَاوَرِي فَو . مَدَا وُنَبُ هُنَمُ عِيَاوَرِي اَمُ عِيَاوَرِي
نَمُ ؛ عِيَاوَرِي فَو . عِيَاوَرِي فَو اِنِدِجَسَمُ لَزَعِي لَفُ وَا اِنَلَزَعِي لَفُ
هُوَر . اَهُجِرَبَهَدِي عِيَاوَرِي اِنِدِجَسَمُ نَبَرَقِي الْفَاثَارُكُلَاوَمُ هُوَر نَمُ لَكَا
عَسْمُ خَلَا

سَانَلَا اَهِيَا ؛ عِبَطُخُ يَفُ هُنَعُ لَلِ اِيضَرَّرُمُعَلَاقُ ؛ عِيَاوَرِي اَسْنَلَاوَمِلَسْمَلَا
لُوسَرُّتِي اَرُ ، مَوُثَلَاوَلَصَبَلَا نَيْتَشِي بَخَا اِلَا اَمُهَارَا اِلَا نَيْتَرَجَشَنُ وَا لَكَا اَت
عِيَاوَرِي لَلَا اِلَا اِنِدِجَسَمُ اَفُ ، مَوُثَلَاوَلَصَبَلَا يَفُ لَجْرَلَا نَمُ اَمُهَارِي رَدَجُ وَا اِلَا
اَخْبَطَا اَمُهَاتْمُ يَلَفَا اَمُهَلَكَا نَمُ فَا

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким пиёз, саримсоқ пиёз ва ёввойи пиёз еса, масжидимизга асло
яқин келмасин. Чунки фаришталар одам болалари озор топадиган
нарсалардан озор топадилар», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Ким саримсоқ пиёз ёки пиёз еган бўлса, биздан четда бўлсин ёки масжидимиздан четда бўлсин, уйда ўтирсин», дедилар», дейилган.

Яна бошқа ривоятда эса:

«Ким ушбу сабзавотни еса, унинг ҳиди кетмагунча асло масжидимизга яқин келмасин», дедилар», дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Муслим ва Насай келтирган ривоятда:

«Умар розияллоҳу анҳу ўз хутбаларида:

«Эй одамлар! Сизлар икки хил ўсимликни ейсизлар. Мен у иккисини, албатта, яхшимас деб биламан; У пиёз ва саримсоқ пиёз. Мен кўрганманки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда қайси бир одамда уларнинг ҳидини топсалар, амр қилар эдилар ва у Бақиъга чиқариб юборилар эди. Бас, ким у иккисини ейдиган бўлса пишириб, ўлдириб есин», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ривоятларда мусулмонлар ичида жамоатчилик одобини сақлаш, жамоат жойига нохуш ҳид билан бормаслик ҳақида огоҳлантирилмоқда.

Исломда бу нарсага катта эътибор берилиши маълум ва машҳур. Катта жамоатларга, Жума, Ийд намозлари ва шунга ўхшаш жойларга ғусл қилиб борилиши бежиз эмас. Бу ҳам терлаш туфайли инсонда пайдо бўладиган нохуш ҳидларни кетказиш, кўпчиликка озор бермаслик учун шариатга киритилган.

Ушбу ривоятларда одамдан еган таоми туфайли нохуш ҳид чиқадиган бўлса, жамоат бундан озор топиши таъкидлаб айтилмоқда.

Ушбу ривоятлардан олинадиган фойдалар:

1. Пиёз, саримсоқ пиёз ва ёввойи пиёз еган кишилар масжидга яқин келмасликлари зарурлиги.
2. Одам болалари озор топадиган нарсага эга бўлган киши масжидга бормаслиги кераклиги.

3. Ундай нарсалардан фаришталар ҳам озор топиши, шунинг учун мазкур кишилар масжидга бормаслиги маъқул эканлиги.

4. Саримсоқ пиёз ёки пиёз еган одам нафақат масжид, балки бошқа жамоат жойларга ҳам бормаи, уйда ўтириши лозимлиги.

5. Мазкур нарсаларни тановул қилган одам то ҳиди кетмагунича, масжидга бормаи туриши лозимлиги.

6. Саримсоқ пиёз ёки пиёз еб, масжидга келган одамни имом масжиддан чиқариб юбориши мумкинлиги. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай кимсаларни Бақеъ қабристонига чиқартириб юборар эканлар.

Демак, ушбу ривоятларда зикр қилинганлардан бошқа ноқулай ҳидга сабаб бўладиган нарсаларни еб ҳам масжидга, жамоат жойларига бориб бўлмас экан.

Ривоятда Ҳижоз юртларида ўша пайтларда маълум ва машҳур бўлган ўткир ҳидли нарсалар зикр қилинган. Шунга қиёсан, ҳамма нохуш ҳидли, бошқаларга озор берадиган нарсаларни истемол қилган кишилар масжидга ва бошқа жамоат жойларига бормасликлари ҳукм қилинган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди